



ЎЗБЕКИСТОН ОҶОЗИ

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
МИЛЛИЙ КИТАБ ПАЛАТАСИ
INV. №

Мустақиллик биз учун — ўз-гимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир.

• 2009-йил • 15-сентябр • Сешанба • 111 (30.072) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-йил 21-йундан чиқа бoshлаган

ЎзХДП сиёсий ва фуқаролик маърифати

ОЧИҚЛИК ВА ОШКОРАЛИК — БОШ МАСАЛА



Мамлакатда демократик тамойиллар қанчалик илдиз отганини билиш учун сайловларни кузатишнинг ўзи кифоя. Бутун дунёда сайловлар демократиянинг кўзгуси ҳисобланади. Ўзбекистонда ҳам ортда қолган ўн саккиз йил ичида ўзига хос сайлов тизими вужудга келди. Унинг қонуний асослари, ҳуқуқий базиси тобора такомиллашиб бормоқда.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашидаги доимий сиёсий семинарнинг янги мавсумдаги илк машғулотда ана шу масалалар муҳокама этилди. Дастлаб партия Мар-

казий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева ЎзХДПдаги сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимининг ўтган ўқув йили якунлари, бу йилги сиёсий ўқувларнинг асосий хусусиятлари ва янги

жиҳатлари ҳақида сўз юритди. — Илгари Марказий Кенгаш даражасида муҳокама этилган мавзу кейинги ойда минтакавий ҳамда туман, шаҳар партия кенгашлари, танланган бошланғич



ташкilotларда ўрганилар эди, — деди у. — Бу йил тегишли мавзунинг ўрганиш Марказий Кенгаш, минтакавий, маҳаллий ҳамда барча бошланғич ташкilotларда ўтади.

(Давоми 2-бетда)

(Давоми 4-бетда)

БОКСЧИЛАРИМИЗНИНГ ЁРҚИН ВА ЮКСАК ҒАЛАБАЛАРИ

Италиянинг Милан шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон ўғлонлари — Аббос АТОЕВ (75 кг.) олтин, Элшод РАСУЛОВ (81 кг.) кумуш, Баҳодиржон СУЛТОНОВ (57 кг.) ва Ботиржон МАҲМУДОВ (69 кг.) бронза медалларига сазовор бўлдилар.



Умумжамоа ҳисобида мамлакатимиз боксчилари 143 давлат вакиллари ўртасида фахрли учинчи ўринни эгаллашди. Биринчи ва иккинчи ўринларни Россия ҳамда ринг эгалари Италия жамоалари банд этдилар.

Фракция фаолияти

МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ТИЗИМИ ХОДИМЛАРИ

ДЕПУТАТЛАР БИЛАН ФИКРЛАШДИЛАР, БАҲСЛАШДИЛАР, САВОЛ-ЖАВОБЛАР ҚИЛДИЛАР

Сиёсий партия ўз гоёлари ва дастурий мақсадларини қандай қилиб амалга оширади? Бу борада партиянинг парламентдаги фракцияси асосий куч ҳисобланади.

Бугун фракция партиямиздан сайланган 28 нафар депутатни мустақам бирлаштириб, электорат манфаатларини қатъият билан ҳимоя қилишга ҳаракат қилмоқда. Қонунчилик фаолиятдан ташқари, турли жамоалар, ўқув юртлари, маҳаллаларда мамлакатимиз, халқимиз учун муҳим

аҳамиятга эга масалалар, мавзуларга бағишланган учрашувлар, давра суҳбатларини ҳам мунтазам ташкил этиб келаяпти.

ЎзХДП Марказий Кенгаши ва Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан ташкил этилган бу галги давра суҳбати Маданият ва спорт

ишлари вазирлиги аппарати ходимлари, Қорақалпоғистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазири, вилоятлар, Тошкент шаҳар маданият ва спорт ишлари бошқармалари бошликлари, вазирлик тизимидаги ташкilot ва муассасалар, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари раҳбарлари ва ходимлари иштирокида ўтказилди. Ўзбекистон давлат консерваториясининг катта мажлислар залида иштирокчилар давлатимиз раҳбарининг Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган тантанали мажлисдаги нутқидан келиб чиқадиган долзарб вазибалар мавзусида фикр алмашдилар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Боймурод Юсупов, Маданият ва спорт ишлари вазири Анвар Жабборов, консерватория ректори Дилора Муродовалар мавзунинг асосий жиҳат-

лари ҳақида фикр юритдилар. Қайд этилдики, юртимизда босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамаздан изчил давом этмоқда. Энг муҳими, аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган дастурларни бажаришга эътибор янада кучаймоқда. Жаётимизнинг ўзгариб бориши билан аҳолининг, хусусан, ёшларнинг онгу тафаккури, дунёқарashi, фикрлаши, сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий фаоллиги юксалиб бормоқда. Халқимизнинг бой маданий меросини қайта тиклаш, асрлар мобайнида шаклланган юксак маънавияти, аъ-

аналари ва урф-одатларини ҳар томонлама ривожлантириш, жисмонан соғлом, маънан етук ёшларни вояга етказиш чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган ва ҳозир ўзининг дастлабки самарасини бераётган Инқирозга қарши чоралар дастурида турли соҳалар билан бирга, халқимизнинг маданий жаёти, унинг бой маънавий меросини асраб-авайлаш борасида ҳам аниқ вазибалар белгиланган. Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш, миллий хунармандчилик аънаналари асосида ёшларни иш билан таъминлаш, ижтимоий соҳа объектларини қуриб фойдаланишга топшириш буйича давлат дастурларида алоҳида бандлар белгиланиб, улар жаётга изчил татибқ этиб келинмоқда.

Президентимиз маърузаларида айтилган фикрлар, илгари сурилган гоёлар ҳар биримизни, айникса, маданият

ва спорт тизими фаолларини юртимиз мустақиллиги, азим пойтахтимизнинг шонли тарихи ҳақида яна бир бор чуқур мулоҳаза қилиб кўришга ундамоқда. Давлатимиз раҳбари маърузаларини жойларда чуқур ўрганишни ташкил қилиш, улардаги энг асосий гоёларни кенг тарғиб этиш вазибалари олдимизда турибди.

Шунингдек, тадбирда спорт иншоотлари ва маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ҳамда сақлаш, улардан фойдаланиш буйича қонунчилик киритилган ўзгаришлар хусусида сўз юритилди. Иштирокчилар бу борада ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирдилар, кўплаб саволларга депутатлардан жавоб олдилар. Тадбир якунида вазирлик тизими ходимлари ҳамда фракциянинг ҳамкорлигини кучайтириш, биргаликда жойларда аҳоли билан турли мавзуларда учрашувлар ўтказиш таклифи илгари сурилди.

Беҳзод ШУКУРОВ

ЯНГИ КЎПРИК

Наманган кўприк ҳўжалигини сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш ва фойдаланиш давлат корхонасидан олинган маълумотга кўра, вилоят ҳудудида мустақиллик йилларида 15 дан ортиқ кўприк қуриб фойдаланишга топширилди.

Янгиқўрган туманининг кўшни Қирғизистон давлати тоғларига туташ қишлоқларида ҳам кўприкка эҳтиёж катта эди. Қишлоқдан ўтган Подшоотасой устига эни 24 метр, узунлиги 54 метрлик кўприк бунёд этилди. Заркент қишлоғидан Қизилёзи қишлоғигача бўлган 3 километрлик масофада янги йўл очилди. 2 миллиард 322 миллион сўм маблағ сарфланган янги кўприк туфайли туман марказидан Нанай қишлоғигача бўлган масофа 4 километрга қисқарди.

Носиржон ДЕҶҚОНОВ

ДЕМОКРАТИК САЙЛОВЛАР: ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ЎРНИ

2



«СЕҲРАИ ДИЁРИНГИЗГА ОШУФТАМАН»

3



АББОС АТОЕВ — ИККИ ҚАРРА ЖАҶОН ЧЕМПИОНИ!

4

Ўзбекистон ҳаво йўли

TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

Хизматлар лицензияланган

ДЕМОКРАТИК САЙЛОВЛАР: ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ЎРНИ

Самарқандда 9-10 сентябрь кунлари «Фуқаролик жамияти институтлари ва ҳоқимият вакиллик органларига сайловлар» мавзусида халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Ўзбекистон Экологик ҳаракати, Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси томонидан Миллий демократия институти (АҚШ) ва ЕХТнинг мамлакатимиздаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Форумда Буюк Британия, Хиндистон, Покистон, Россия, Туркия, Украина, Япония каби давлатлар ва қатор халқаро ташкилотлардан экспертлар, Ўзбекистондаги жамоат бирлашмалари вакиллари иштирок этиди.

Тадбир давомида мамлакатимизда кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш концепциясининг амалга оширилиши ҳақида фикр алмашилди. Давра суҳбати иштирокчилари мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилиш, жумладан ҳоқимият вакиллик органларини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини ташкил этишда фуқаролик жамияти институтларининг ролини ошириш бўйича республика миқёсида тажрибасини муҳокама этди. Шунингдек, Ўзбекистон сайлов қонунчилигининг ўзига хос хусусиятлари, фуқаролик жамияти институтларининг демократик сайловларга тайёргарлик кўриши ва уларни ўтказишда иштироки масалалари ҳам батафсил кўриб чиқилди.

Халқаро форумда айна пайтда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш жараёни, шунингдек, миллий сайлов қонунчилигининг таҳлили мамлакатимизда

амалга оширилаётган чур ва жадал демократик туб ўзгаришлардан далолат экани қайд этилди. Экспертлар Олий Мажлис Қонунчилик палатасида депутатлик ўринларини 120 тадан 150 тага кўпайтириши, Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатларга 15 та ўрин ажратиши, сиёсий партиянинг ваколатли вакили институтининг жорий этилиши ва қонунчиликка киритилган кўпала янгиликлар мамлакатимизда демократик туб ўзгаришларни амалга оширишни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариши ҳақида умумий фикр билдирди.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, мамлакатимизда сиёсий партиялар ролини ошириш бўйича қўрилаётган изчил чоратadbирлар, миллий сайлов қонунчилигини босқичма-босқич тақомиллаштириш, Марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш бўйича Концепцияни амалга ошириш бўлиб ўтадиган сайловларни демократия таъминлаши асосида ўтказишнинг муҳим омилга айланади.

Хусусан, хорижлик экспертлар томонидан концепциянинг бутун сайлов комиссиялари тизими ва сайлов жараёнига жалб этилган муассасаларнинг фаолияти сайлов давомида амалдаги қонунчилик талабларига қатъий ва сўзсиз амал қилинишини таъминлашга қаратилган тўғрисидаги қоидалар Ўзбекистон сайлов тизимининг юксак демократлиги намунаси сифатида эътироф этилди. Сайлов кампаниясининг ҳар қандай иштирокчиси учун бирон-бир имтиёз ва преференциялар бериш истисно этилган, фақат Марказий сайлов комиссиясига сайлов кампаниясини ўтказишда асосий ташкил этувчи орган ҳисобланади ва ҳеч қимнинг сайлов жараёнига аралашувига йўл қўйилмайди. Сайлов қонунчилиги нормалари, талаблари, қонун ва мазкур Концепцияда белгиланган сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш тартиби ҳамма учун мажбурий ва бар қилдири. Буларнинг барчаси экспертлар томонидан юқори баҳоланди.

Экспертлар муҳокама якуни бўйича мамлакатимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий ҳоқимият вакиллик органларига сайловларнинг очиллиги, ошқоралиги ва транспарентлигини таъминлаш учун барча чоралар қўрилгани ҳақида яқдил фикр билдирди.

Муҳаммад Асиф Нур, «Diplomatic Insight» журнали бosh муҳаррири (Покистон): «Президент Ислам Каримовнинг биз учун фуқаролик жамияти — ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришига монелик қилмайди, аксинча, ёрдам беради, шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисида ҳақдор раёбга чиқишига кўмаклашади, деган таърифи барча хорижий экспертлардан алоҳида эътибор қаратишни талаб қилади. Дарҳақиқат, қайд этилган масалалар Ўзбекистонда сайлов жараёнида фаол иштирок этаётган фуқаролик жамияти институтлари фаолиятида устувор масалага айланган».

Талха Балик, «Босфор» газетаси бosh муҳаррири (Туркия): «Давлат сайловларида фуқаролик жамияти институтларининг ролини ошириш орқали фуқароларнинг кўпала масалаларини ҳал этишда иштирокчи кенгайтириш имконини беришининг гувоҳи бўлдим. Шуниси эътиборлики, мамлакатимизда фуқаролик жамияти билан давлатнинг яқин ҳамкорлиги таъминланмоқда.

Мамлакатда демократик талабларга жавоб берадиган сайлов тизими яратилган. Сайловларнинг умум-эътироф этилган халқаро нормаларга мос келадиган самарали қонунчилик базаси шакллантирилган. Яхлит, мустақил сайлов комиссиялари тизими ташкил этилган. Қонунчилик сиёсий партиянинг сайлов участкаларида овозларни санаш, имзо варақаларининг тўғри тизилганини текширишда иштирок этиш ҳуқуқига эга ваколатли вакиллик институти киритилган».

Барбара Потрата, Кембриж университетининг Марказий Осиё бўйича форуми экспeрти (Буюк Британия): «Фуқаролик жамиятини барпо этиш бўйича Ўзбекистон тажрибасини ўрганиш экансан, жамоат институтлари босқичма-босқич ташкил этилиб, барқарорлашган, сиёсий, жумладан сайлов жараёнида фаол ва самарали иштирок эта олади, деган хулосага келасан киши».

Налин Кумар Мохapatра, Ж.Неру номидаги университетнинг Халқаро тадқиқотлар мактаби экспeрти (Хиндистон): «Ўзбекистонда жамоат ташкилотлари хотин-қизлар, экология, ёшлар, тадбиркорлик ва бошқа кўпала муаммоларни маҳаллий ҳамда республика даражасида ҳал этади. Мамлакатимизда ижтимоий қурилиш тажрибасини ўрганиш шундан далолат берадики, маҳалла институтига алоҳида ҳуқуқий мақом бериш билан бир қаторда уни ривожлантириш учун зарур муҳитни ҳам яратди. Шу тўғрисида маҳалла қатор масалаларини ҳал этиш борасида ташаббускорлик қўрилади. Яна шуниси муҳимки, бу борада миллий аъёнлар ва умумэътироф этилган демократик тамойиллар ҳам ҳисобга олинади. Бугун фуқаролар йиғинларини ҳақиқи равишда демократик ислохотлар ривожлантириладиган ижтимоий пойдевор, дейиш мумкин. Буларнинг барчаси бошқа мамлакатлар учун ибрат бўлиб хизмат қилади».

Богдана Бабиц, Амалий сиёсат институти директори (Украина): «Ўзбекистонда Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини кўпала-қувватлаш ва уларнинг фаолиятини ривожлантириш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясини ташкил этиш тўғрисида қарор деб ҳисоблайман. Бу орқали жамоат ташкилотларининг мустақиллиги, уларга ажратилаётган давлат маблағларини ҳолис тақсимлаш таъминланмоқда. Экоҳаракатга экологик муаммоларни парламент даражасида ҳал этиш учун ўзига хос имкониятлар берилганлигини ҳам таъкидлаш жоиз».

Минори Окичи, Нагоя шаҳри университетининг юридик факультети доценти (Япония): «Экоҳаракат учун депутатлик квотасини жорий этиш минтақадаги мураккаб экологик вазият сабабли жуда зарур эди. Энди ушбу ҳаракат мамлакат олий қонунчилик органида сиёсий партиялар каби ҳуқуққа эга бўлади. Бу, ўз навбатида, экология ва саломатлик масалаларини янада самарали ҳал этиш имконини беради».

Кларк Плeксико, Миллий демократия институти вакили (АҚШ): «Ўзбекистон сиёсий тизимида катта ўзгаришлар аниқ ва шубҳасиздир. Ўзбекистонга ташрифим давомида демократиянинг

сиёсий пойдевори, кучли фуқаролик жамияти институтлари ва авваломбор, сиёсий партияларни ташкил этишда кўпала йуқларга эришилганининг гувоҳи бўлдим. Марказий сайлов комиссияси депутатликка номзодларга уларнинг сайловда иштирок этиши учун тенг имкониятлар яратиб бераётгани ҳам ижобий омил саналади. Бу борада оммавий ахборот воситалари ҳам номзодлар ва электорат ўртасида самарали воситачига айланади».

Владимир Лафитский, Россия Федерацияси Хуқуқмат хузуридаги Қонунчилик ва қиёсий ҳуқуқшунослик институти директорининг ўринбосари: «Маҳалла институтини чуқур ўрганиш шунини кўрсатадики, кўп асрлар давомида у Ўзбек халқининг бугунги авлодини тарбиялашга ёрдам бераётган маънавий-маърифий негизлари, маданияти ва аъёнларини ўзида муҳасам этган макан ҳисобланади. Маҳалла — жамият ва давлат ўртасидаги ўзаро ҳам-жиҳатлиқнинг ўзига хос шаклидир».

П.Морвиж, Нью-Йорк давлат университетининг фалсафа ва ижтимоий фанлар профессори (АҚШ): «Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари жуда ривожланган. Бу эса демократик давлатни ривожлантириш учун жуда муҳим. Менимча, бу — Президент Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислохотларнинг амалий натижасидир. Эркин сайловларни ўтказиш учун электоратнинг маълумотга эгалиги катта аҳамиятга эга».

Анна ИВАНОВА, Голиб ҲАСАНОВ, Ўза муҳбирлари

ОЧИҚЛИК ВА ОШҚОРАЛИК – БОШ МАСАЛА

Шундан сўнг, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Абу-манноб Раҳимов Ўзбекистон сайлов тизими, унинг босқичма-босқич тақомиллашиб бораётгани, сайловга оид қонунларимизга киритилган ўзгаришлар, бу борада янги институтларнинг жорий этилгани, Олий Мажлис ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига шу йил декабрь ойида бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик кўриш босқичида сиёсий партияларнинг амалга ошириши муҳим бўлган тадбирлари ва бошқа масалалар хусусида маъруза қилди.

— Мустақилликка эришганимиздан сўнг босқичма-босқич олиб борилаётган ислохотлар натижасида давлат ҳоқимияти вакиллик органларига демократик сайлов ўтказиш бўйича умум-эътироф этилган халқаро принциплар ва нормаларга тўлиқ мос келадиган сайлов қонунчилиги шаклланди, — деди у. — Бугунги кундаги сайлов қонунчилигимиз энг асосий

конституциявий қоида бўлган халқ ҳоқимияти таъминлигини амалда таъбиқ этилишини таъминлайди. Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини қонунчилик йўли билан мустақамлаб қўйиш, уларнинг эркин амалга оширилишини таъминлаш ҳуқуқий демократик давлатнинг асосий белгиларидан биридир. Сайловлар демократик жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётининг ажралмас қисми, аҳоли хоҳиш-иродасини ифода этишни рўёбга чиқаришнинг асосий шаклидир. Сайлов тизими, унинг ҳуқуқий асослари ва амалга ошириш жараёни, ошқоралик, халқчиллиқнинг мавжудлиги, фуқароларнинг унга муносабати давлатнинг ижтимоий-сиёсий мавқеини белгилаб беради. Бу борада Ўзбекистонда ўрнал олса аргизулик ишлар амалга оширилмоқда.

Семинар иштирокчилари сайлов кампаниясини ташкил этиш ва уни ўтказиш жараёнида очиллик, ошқоралик таъминлигини таъминлашнинг қонунчилик асослари, демократик сайловларни ўтказишда сиёсий партиялар иштироки



борасида батафсил фикр алмашилди.

Давра суҳбатининг иккинчи қисмида иштирокчилар гуруҳларга бirlашуни, интерактив шаклда мавзунинг амалий жиҳатларини муҳокама этдилар. Улар юзасидан тегишли тавсия ва аниқ таклифлар ишлаб чиқилди.

Тадбирда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши, Олий Маж-

лис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоят партия кенгашлари ҳамда улар тасарруфидидаги туман, шаҳар кенгашлари фаоллари, вилоят ва шаҳар Кенгашлари депутатлари, электорат вакиллари иштирок этди.

Асли КАМОЛ Шажват ҚАҲҚОРОВ олган сурат.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Яқинда Фаргона вилоят ҳўжалик суди Олтиариқ туман давлат солиқ инспекциясининг даъво аризасига биноан «Олтиариқ туман буюм бозори» МҲЖга нисбатан молиявий жарима қўллаш юзасидан ҳал қилув қарор қабул қилди. Аммо суд жараёнида даъво ариза киритилгунга қадар нафақат бозор маъмурияти, балки солиқчилар томонидан ҳам бир қатор қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аён бўлди.

Олтиариқ туман прокуратурасининг 2008 йил 3 октябрдаги «Хужжатли тафтиш таъинлаш тўғрисида»ги қарорига биноан туман ДСИ бошлигининг тегишли буйруғига асосан ДСИ ходимлари У.Абдуллаев ва Ш.Ортиқовлар «Олтиариқ туман буюм бозори» МҲЖда 2007 йил 2008 йилнинг 1 октябрга қадар бўлган даврда солиқ қонунчилигига риоя этилиши юзасидан хужжатли тафтиш ўтказишган. Мазкур текширишда назорат касса машинасида 15.478.300 сўмлик бир марталик таг жой учун чеклар чиқарилгани ҳолда банкка 18.341.600 сўм нақд пул топширилиб, ўртадаги 2.863.300 сўм маблағ НКМГА қирим қилинганлиги аниқланди. Бу хусусда тегишли далолатнома тузилган. Ҳолат бўйича бозорнинг катта назоратчи патта йиғувчи-

НАЗОРАТСИЗЛИК ОҚИБАТИ

си А.Эргашев жиноят ишлари бўйича Олтиариқ туман судининг шу йил 16 февраль кунги ҳукми билан Жиноят қонунчилигининг 189-моддаси 2-қисмига мувофиқ 1 (бир) йил муддатга ахлоқ тузатиши иши жазосига тортилган.

Шундан сўнг ДСИ томонидан ҳўжалик судига даъво ариза киритилди ва суд уни қаноатлантирди. Бироқ текширишда аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини тилга олмаслик мумкин эмас. Туман ҳоқимининг тегишли қарорига биноан бозорда 500 та савдо ўрни мавжуд бўлиши керак. Лекин текшириш кунинда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган со-

тушунтириш хатлари олишган. Қолганлари эса негизин ин-дешмаган... Натижада ана шу 61 нафар сотувчилардан ҳар яқшанба кун 2007 йилда 4.890.000 сўм, 2008 йилнинг 9 ойи мобайнида 3.892.800

сўм ёки 296 метр квадрат жой учун патта йиғими ундирилгани аниқланган. Бошқача ай-тганда бозор паттачилари шунча сотувчилар 2007 йил-дан 22.348.000 сўм, 2008 йил-нинг текшириш кунигача 34.454.400 сўм жами 56.802.400 ундиришлари ло-зим эди ёки патта тўлови ҳаф-танинг қолган 6 кун ҳисоби-га 47.919.600 сўм кам унди-рилган.

Қизик, солиқчилар қарийб 2 йил мобайнида бозорда ҳафтанинг қолган кунлари учун патта тўлови ундирили-шини нега назорат қилишма-ди экан? Ваҳоланки, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг Адлия вазирли-

ти талар тайёрлаш, ишлатиш ва ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида»ги Йўриқномасида туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциялари ўз ҳудудиди-ги бозорларда амалдаги қонунчиликка мувофиқ ҳуж-жатли текширишлар ўткази-лиши давомида патталарнинг ҳисоб-китоби, ишлатилиши ва сақланиши, инвентариза-ция қилиниши учун масъул эканлиги таъкидланган.

Солиқ кодексининг 385-моддасида патта тўлови жи-смий шахслар томонидан бо-зорларда ҳар бир сотиш жой-ида савдо қилинган ҳар бир кун ёки товар, буюм, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотли, чорва мол учун нақд пул сифатида,

тиши мумкин эмас. Кўйинги, бозорда 215 на-фар сотувчи савдо қилса-да, солиқчилар уларнинг қол-ган 154 нафаридан тушунти-риш хати олишмади ва улар-га молиявий жарима қўлла-ни сўрамади ҳам. Энди бо-зор вакиллари ва солиқ ҳо-димларининг масъулиятсиз-лиги тўғрисида қанча маблағ кам ундирилиб, давлат га-занага жиддий зиён етказил-ганлигини тасаввур қилиб кўраверинг.

Юзага келишида туман ҳоқим-лигининг ҳам назорат юри-маганлигини айтиб ўтиш жоиз. Шу боис вилоят ҳўжа-лик суди туман ДСИнинг даъ-восини қаноатлантириш бил-ан бирга, мазкур ҳўжалик и-ши бўйича масъул мансаб-дор шахсларнинг ҳаракатла-рига қонуний баҳо бериш, аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан қўшим-ча ва ички хизмат текшируви ўтказиш, айбдорларнинг жа-вобгарлик масаласини ҳал қилиш юзасидан хусусий аж-рак чикарди ҳамда у Бош прокуратура хузуридаги СВОЖДЛҚК департаменти-нинг Фаргона вилоят бош-қармаси ва вилоят давлат солиқ бошқармасига юборил-ди. Зеро, иктисодиётимиз та-янчи бўлиш солиқларни тўлашдан бўйин товлаш ва бунга қарши етарли равиш-да кураш олиб борилмасли-ги, назоратнинг сустигли ке-чирилмас ҳолатдир.

Дониёр ОДИЛҲУЖАВОДА, Фаргона вилоят ҳўжалик суди судьяси.

Дониёр ОДИЛҲУЖАВОДА, Фаргона вилоят ҳўжалик суди судьяси.

Дониёр ОДИЛҲУЖАВОДА, Фаргона вилоят ҳўжалик суди судьяси.

«СЕХРЛИ ДИЁРИНГИЗГА ОШУФТАМАН»

— ДЕЙДИ ЯПОНИЯЛИК ТАНИҚЛИ АРХЕОЛОГ ОЛИМ, «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ СОҲИБИ КЮДЗО КАТО



— Ўзбекистонга дастлаб 1963 йилда келганман, — дея эса бошлади олим. — Ушандаёқ Самарқанд, Бухоро, Тошкентдаги бетакрор обидалар мени мафтун этганди. Орадан икки йил ўтгач, машҳур япон ёзувчиси Ясуси Иноуи билан яна бу диёрга ташриф буюрдик. Кейинчалик тушундимки, ушандаёқ Ўзбекистон мен учун ҳақиқий Ватанга айланган экан. Тақдир эканми, учинчи марта Хива ва Кўкони тагин Ясуси Иноуи билан томоша қилганмиз. Бу юртининг замини бебаҳо, гўзал ва мафтункор, одамлари меҳнаткаш. Айниқса, уларнинг меҳмондўст ва очиққўнглигини айтмайсизми? Бозорлари обод, ҳар бир хонадоннинг дастурхони тўкин. Саранжом-сарошта хонадонларга ҳавасим келади. Дастлаб Токиодаги Жочи университетининг герман филология факультетига ўқишга кирдим. Тарихни ўрганиш — ҳаётим мазмуни, севимли мавзۇм бўлиб қолди. 1983 йилда Осака университетининг доктори бўлдим.

бўлимини ташкил этдик. Унда ҳақиқий ўзбек хонадони акс этган: ховли, ток ишқомлари, атлас кўрпача, ёстиқлар. Экспонатлар сони эса йил сайин кўпайиб бормоқда.

Эътироф

Сурхондарё мени ўзига ошуфта этган гўшадир. Ўзини ундан айро тасавур этолмайман. Воҳодаги мингга яқин турли тепалик, дўнглик, ўнгир ва адирлар сир-синоатга тўла, деса, асло муболага бўлмас. 1988 йилда Япониянинг Нара шаҳрида «Ипак йўли Нарага боради» мавзуйда халқаро кўргазма ташкил этилди. 200 гектар дунда ортиқ ҳудудни эгаллаган томошагоҳ ҳақиқий мўъжизалар масканига айланганди. Унда Далварзинтепадан топилган будда ҳайкаллари ва ноёб нусхалари намойиш этилди. Ярим йил давом этган кўргазмадан кейин ўзбек-япон ҳамкорлиги янада мустаҳкамланди. Дастлаб Сурхондарёга сайёҳ сифатида келган бўлсам, 1989-1994 йилларда таниқли археолог Баҳодир Турғунов билан Шўрчи туманидаги Далварзинтепа шаҳристониди қазилма ишларини олиб бордик. Айни кунларда эса Термиздаги Қора-тепада археологик тадқиқотлар давом этмоқда.

Ўзбекистондаги ҳаётим, амалга оширилган ишлар, халқнинг турмуш фаровонлиги тўғрисида рус, инглиз ва япон тилларида чоп этилган «Жанубий Ўзбекистон қадимияти» ҳамда «Далварзинтепа шаҳри-

тони» китобларимни Президент Ислам Каримовга совға қилганимдан беҳад мамнунман. Мен Японияда туғилган бўлсам-да, Ўзбекистонни ўз Ватаним, деб биламан. Термиз шаҳрининг фахрий фуқаролигига қабул қилиндим. Ҳурматли Президентингиз менинг камтарона меҳнатимни юксак баҳолаб, «Дўстлик» ордени билан мукофотлади. Умримнинг бир қисми шу ерда ўтганидан хурсандман. Қайта дунёга келганимда ҳам айнан шу йўлни танлаган бўлардим.

Ўзбекистон — Яратганим назари тушган юрт. Унинг ҳар бир гўшасида кўтаринки кайфият авжида. Мозийнинг қат-қатида чун қур илдиз отган маънавий мероси бой. Жаҳон айвоғида довуруқи от сурган жаҳонгашта аж-доқларингизга ҳавас қилман. Сеҳрли диёрингизга ошуфтаман. Кўҳна Термиз, ер юзи сайқали Самарқанд, замин гавҳари Бухоро, мозий бешиги Тошкент, бетакрор Хиваю Кўкон обидалари ёнида туриб, дафъатан Римга алмашмаймам бедапоян-нин, деган ўзбек шоири кўз олдимда гавдаланди.

Истиклолга эндигина 18 йил тўлган овоз Ватанингиз минглаб сир-санотлари қаршида бош эгаман. Яна шун айтаманки, таърифига мендай япон фарзандининг тили ожиз. Буюк келажаги насимларидан муқда олиб ясаётган шу юрт фуқаролари сафиди кўксим осмон бўлиб турганидан беҳад шодман!..

Абдумалик ҲАЙДАРОВ эзиб олди.

ИҚТИСОДИЙ ВАЗИЯТ

барқарорлашади...ми?


Жаҳон ОАВ тарқатаётган хабарларда қайд этилишича, дунёнинг айрим давлатларида инқирознинг киши руҳиятига салбий таъсири ўта юқори. Масалан, Ливанда — 79, Мексикада — 76, АКШда — 74, Жанубий Кореяда — 72, Россияда 56 фоиз кўрсаткич қайд этилган. Нидерландия, Австрия, Италия, Испания ва Бразилияда ҳам аҳолини яхши деб бўлмайд.

Айнан жаҳон иқтисодий-молиявий инқироzi туфайли дунё аҳолисининг 18 фоизи «депрессия» ҳолатини бошидан ўтказмоқда, 26 фоизда уйку метёри бузилган, 40 фоизи жонсарақ бўлиб қолган, 40 фоизи «стресс» ҳолатида. Лекин аста-секинлик билан бўлса-да, бундай ҳолат ўрнини келажакка ишонч туйғуси, кўтаринки кайфият эгаллаб бормоқда.

Бразилиянинг География ва статистика институти таҳлилларига кўра, Бразилияда ҳам инқироз қамровининг чуқурлашуви тўхтаган. Тўғри, иқтисодий ўсиш ҳақида ҳозирча гап йўқ, Инқироз бошлангунга қадар бўлган кўрсаткичларга чиқолмаган, яъни ялпи ички маҳсулот 1,2 фоизга кам. Аммо инқироз

чуқурлашувининг тўхтагани ҳам мамлакат аҳолиси кайфиятига ижобий таъсирини кўрсатмай қолмайди. Яна шун таъкидлаш керакки, «Би-би-си»нинг Бутунжаҳон хизмати буюртмасига кўра ўтказилган тадқиқот натижаларида аён бўлишича, кейинги пайтларда ўзга давлатларга иш излаб боровчилар, яъни меҳнат миграцияси камайган. Шунингдек, ўзга давлатлардан пул жўнатмалари ҳам сезиларли даражада пасайган. Масалан, Молдовада меҳнат муҳожиралининг пул жўнатмалари республикадаги ялпи ички маҳсулотнинг учдан бир қисминини ташкил этаётган. Эндиликда эса бу кўрсаткич 37 фоизга қис-

қарган. Иқтисодий инқироз бошланган пайтда айрим давлатларнинг муҳожиралини ўз мамлакатларига жўнатиш юзасидан махсус тузилган дастурлар асосида олиб борган саъй-ҳаракатлари қарган.



ҳам муҳожириликнинг камайишига сабаб бўлди. Хусусан, Япония, Испания ва Чехия муҳожирали ўз ватанларига қайтишлари учун йўл ҳақини тўлаш чораларини амалга оширишда давом этмоқда. Демак, ўз-ўзиндан аёнки, инқирознинг ўткир тирноқлари иқтисодиётнинг жиловини ҳали қўйиб юборганича йўқ. Буни Европадаги аҳвол ҳам тасдиқлайди. Жумладан, Бельгия қуролли кучлари айнан инқироз

қот натижаларида аён бўлишича, кейинги пайтларда ўзга давлатларга иш излаб боровчилар, яъни меҳнат миграцияси камайган. Шунингдек, ўзга давлатлардан пул жўнатмалари ҳам сезиларли даражада пасайган. Масалан, Молдовада меҳнат муҳожиралининг пул жўнатмалари республикадаги ялпи ички маҳсулотнинг учдан бир қисминини ташкил этаётган. Эндиликда эса бу кўрсаткич 37 фоизга қис-

қарган. Иқтисодий инқироз бошланган пайтда айрим давлатларнинг муҳожиралини ўз мамлакатларига жўнатиш юзасидан махсус тузилган дастурлар асосида олиб борган саъй-ҳаракатлари қарган.

боис ва унинг мамлакат бюджетига кўрсатаётган таъсири боис армия шахсий таркиби ва бошқа вонситаларни қисқартиришни мўлжаллаб турбди. Бугунги кунда Бельгия армияси 38 минг кишилик шахсий таркибдан иборат. 2013 йилгача бу рақам 34 мингга, 2015 йилгача эса 30 мингга туширилиши режага киритилган. «Le Soir» газетасида ёзишларича, армия қазармалари сони ҳам 40 фоизга камайтирилади. Шунингдек, бош штаб Бельгия ҳарбийларининг хорижий давлатлардаги ҳар қандай миссияларида иштирокни камайтиришни ҳам ўз режасига киритган. Бугунги кунда 500 нафар Бельгия аскарни НАТО кўмондонлигидаги халқаро кучлар таркибиди Афғонистонда хизмат қилмоқда. Молиявий етишмовчиликлар улар фаолиятига ҳам акс таъсир этмоқда. Жумладан, бронехилетлар ва бошқа ҳарбий анжомлар етишмовчилиги муаммага айланган. Жаҳон давлатлари иқтисодий инқироз чангалидан қутулиш учун жиддий саъй-ҳаракатлар олиб бормоқда.

Манбалар асосида
Алимбек ТОШБЕК
тайёрлади.


ҚУРҒОҚЧИЛИКДАН АЗИЯТ ЧЕКАРДИ

Энди эса...

Фарбий Африкадаги ўнлаб мамлакатлар айни дамда сув тошқини оқибатларини қандай бартараф этиш чораларини изламоқда. Одатда бу ҳудуд аҳолиси қурғоқчиликдан жабр кўради. Энди эса бир неча ҳафта давомида ёққан тинимсиз ёмғир оқибатларидан азият чекмоқда. Дарёлар ўзанларидан тошиб, экин-тикин майдонларию аҳоли яшаш пунктлари харобага айланган.

БМТ манбаларига асосланиб «Sara» АА маълум қилишича, Фарбий Африкада умумий ҳисобда 600 мингдан ортиқ киши сув тошқинидан жабр кўрди. Фақат Сенегалнинг ўзида 260 минг киши бошпанасидан айрилди, Буркина-Фасода эса бу рақам 150 мингдан ортиб кетди. Бундай табиий офатдан Нигер, Гана, Бенин, Гвинея, Гамбия, Мавритания, Кот-д'Ивуар ва Серра-Леоне сингари давлатлар ҳам қатта зарар кўрди.

Туркиянинг Истанбул шаҳри ҳам сув тошқини остида қолди. 15 миллион аҳоли яшайдиган мазкур шаҳар кейинги 80 йилда бундай тошқинни кўрмаган эди. 31 киши ҳаётдан қўз



юмди, ўнлаб одамлар бедарак йўқолди. 2 метр бандликдаги сув тошқини 2 минга яқин уйни вайронга айлантирди. Экология муаммолари билан шугулланувчи ташкилотларнинг хулосаларига кўра, тошқинни келтириб чиқарган ёмғирлар глобал климат ўзгаришларининг натижасидир.

Юртимизда айни куз палласи. Боғларда етилган меваю узумдан бол томади. Боғбону соҳибкор, пахтақорю сабзавотқорлар пешона тери эвазига етиштирилган ҳосилни йиғиштиришмоқда. Бозорларда эса тўкинчилик. Демак, мамлакатимизда амалга оширилётган иқтисодий-иқтисодий ислохотлар, аграр соҳадаги янгиликлар, бунёдкорлик ишларининг самараси сезилиб турибди.

Бундай тўкин-сочинликка «Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун» шиори остида фаолият юритаётган «Агробанк» очиқ акциядорлик тижорат банки филиаллари ҳам муносиб ҳисса кўшмоқда. Тизимни ислох қилиш ва ривожлантириш борасидаги Президентимиз Фармонлари ҳамда ҳукумат қарорларининг ижросини таъминлаш, иқтисодиётни барқарор ва юқори суръатларда юксалтиришда фаол қатнашиб, ўз мижозларига намунали хизмат кўрсатаётган банк жамоаси ҳар томонлама юқори натижаларга эришяётир.

«Агробанк»нинг Самарқанд вилоят бошқармасида амалга оширилаётган ишлар, айниқса, диққатга сазовор. Банк бошқармаси жойлардаги 19 та филиали ҳамда 20 та махсус кассаси орқали жами 17 мингдан ортиқ мижозга замонавий хизмат кўрсатиб келаётир.

Банкнинг жамланма капитали 2009 йил 1 январь ҳолатига 13,0 миллиард сўмни ташкил қилган бўлса, ушбу кўрсаткич жорий йилнинг охиригача 18,5 миллиард сўмга етказилиши ёки йил бошига нисбатан 5,5 миллиард сўмга ошириш мўлжалланган. Банк активлари 2009 йил 1 январь ҳолатига 83,0 миллиард сўмни ташкил қилган бўлса, жорий йилнинг 1 август ҳолатига 139,8 миллиард сўмга етди ёки йил бошига нисбатан

56,8 миллиард сўмга кўпайди. Жорий йил бошига нисбатан банк кредит қўйилмалари 39,8 миллиард сўмга ошган бўлиб, 1 август ҳолатига 99,7 миллиард сўмни ташкил қилди. Шундан қишлоқ хўжалиги соҳасига 48,7 миллиард сўм, моддий техника таъминоти ва тайёрлов соҳасига 17,6 миллиард сўм, савдо ва хизмат кўрсатишга 6,0 миллиард сўм, саноят соҳасига 11,7 миллиард сўм, қурилиш со-

реконструкция ва модернизация қилиш учун ажратилган инвестицион кредитлардир. Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва галла ҳошомёсини етиштириш учун банкда хизмат кўрсатилаётган уч мингдан зиёд мижозларга жами 36,8 миллиард сўм миқдориди имтиёзли кредитлар ажратилди. Шундан пахта етиштириш учун 25,2 миллиард сўм, галла етиштириш учун 11,6 миллиард

ника ва уй жиҳозлари харид қилишига қўмак бериш ҳамда уларни моддий томондан қўллаб-қувватлаш мақсадида имтиёзли кредитлар ҳам ажратиб берилмоқда. Масалан, шу йилнинг ўзида икки мингга яқин ёш оилани қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратилган кредитлар 2,8 миллиард сўмни ташкил қилиб, 1200 дан ортиқ ёш оилаларга радио-электрон ва бошқа асбоб-ускуналар сотиб олиш учун 900,0

батан 40 мингтага ошди ҳамда ушбу кўрсаткич йил охиригача 150,0 мингтага етказилиши режалаштирилган. Шу билан бир қаторда пластик қарточкалар ёрдамида тўловларни қабул қилиш бўйича ўрна-тилган терминаллар сони 800 тани ташкил қилиб, шу йилнинг охиригача 2000 тага етказилиши режалаштирилган.

Банк ва мижоз



БАРЧА СОҲАГА МАДАДКОР

бўлаётган «Агробанк» ОАТБнинг Самарқанд вилояти бошқармаси фаолияти хусусида

ҳасига 1,0 миллиард сўм ва қанда соҳаларга 16,7 миллиард сўмни ташкил қилди. Банк асосан қишлоқ хўжалиги корхоналарига, маҳсулотни қайта ишловчиларга хизмат кўрсатишга иxtисослашганлиги сабабли ўз мижозларига қўлайликлар яратиш мақсадида мини банклар сонини оширмоқда. Мини банклар тармоғини кенгайтириш ҳамда мунтазам фаолият кўрсатиб боришини тўла таъминлаш, уларга мижозларни жалб қилишни кўпайтириш мақсадида банк бошқармаси филиаллари қошида 45 та мини банк шохобчалари ишлаб турибди.

Банк бошқармаси томонидан таъминот ва тайёрлов корхоналарига ажратилган кредитлар миқдори 30,0 миллиард сўмни ташкил қилиб, шундан 6,0 миллиард сўми корхоналарни

сўмини ташкил қилди. Жорий йилда ушбу хўжаликлар томонидан 45,0 минг гектар майдонда жами 121,0 минг тоннадан ортиқ галла етиштирилиб, давлат оморборларига етказиб берилди. Маълумки, вилоят қишлоқ хўжалигини техникасиз тасаввур этиб бўлмайди. Лекин қўллаб-қувватлаш воситаларини сотиб олиш учун мижозлариди хар доим ҳам маблағ топилавермайди. Бундай муаммоларни ҳал этишда эса «Агробанк» доими ҳозирю нозир. Масалан, жорий йил бошидан буюн қишлоқ хўжалик корхоналарига 12,8 миллиард сўмдан ортиқ кредит маблағлари ажратиб берилди. Улар ҳисобидан «CLAAS DOMINATOR-130», «NEW HOLLAND», «НИВА» ва «Енисей» русумли 33 та дон ўриш комбайнлари, 80 та ҳайдоқ тракторлари, 35 та

Шунингдек, жорий йил бошидан буюн янги иш ўринлари ташкил қилиш мақсадида мингдан ортиқ кичик бизнес субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан 11,1 миллиард сўмлик кредитлар ажратилиб, ушбу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 130 фоизга ошди. Шундан 419 дан ортиқ аёл тадбиркорларга 944,0 миллион сўм ва 133 та ёш оилга 476,0 миллион сўм кредит ажратилди ва жами ажратилган кредитлар эвазига 2,6 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди. Вилоят бошқармаси томонидан ўн мингдан зиёд аҳолига ажратилган истеъмо-л кредитлари 1 август ҳолатига 8,0 миллиард сўмни ташкил қилиб, бу кўрсаткич йил бошига нисбатан 3,5 миллиард сўмга ошди. Бундан ташқари, ёш оилаларнинг маиший тех-

милиян сўм, мингдан ортиқ ёш оилга мебель ва уй жиҳозлари сотиб олиш учун 1,0 миллиард сўм ҳамда 800 дан ортиқ ёш оилга уй-рўзгор буюмлари сотиб олиш учун 1,8 миллиард сўм кредитлар берилди. Аҳолига қўлайликлар яратиш мақсадида туманларда банк ташаббуси билан маҳаллий ишлаб чиқарилаётган халқ истеъмо-л молларини истеъмо-л кредити эвазига сотадиган 20 дан ортиқ дўкон ташкил қилинди. Президентимизнинг тижорат банки депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш тўғрисидаги қарорини ба-жаритиш мақсадида, 1 август ҳолатига аҳолига тарқатил-ган пластик қарточкалар сони 121,0 мингтани ташкил қилиб, йил бошига нис-

Жойларда аҳоли ўртасида бир қатор тарғибот иш-лари ўтказилиши натижа-сида аҳоли омонатлари қолдиги 2009 йил 1 август ҳолатига 19,4 миллиард сўмга етди. Шундан жам-арма ва муддатли омонат-лар 10,6 миллиард сўмни ташкил қилди. Жами омонатлар йил бошига нисба-тан 3,3 миллиард сўмга ошган бўлса, йил якунига-ча ушбу кўрсаткич 5,0 миллиард сўмга ошириш режалаштирилган. Бугунги кунда банкда аҳолининг барча қатламла-рига мансуб 20 дан зиёд омонат турлари мавжуд бўлиб, аҳоли эътиборини жалб қиладиган йиллик 26 фоиз миқдориди устима тўланадиган «Шарқ тарона-лари» ва «Мустақиллик» омонатлари шулар жумла-сидандир.

пул тушумини кўпайтириш ҳамда банкдан ташқари пул айланмаларини қисқарти-риш мақсадида қишлоқ жойларда жами 200 дан ортиқ чакана савдо дўкон-лари ташкил қилиниб, уларни таъмирлаш ва янги дўконлар қурилишига 1,2 миллиард сўм миқдориди кредитлар ажратилди. Шундан қўллаб-қувват-лаш учун 700,0 миллион сўм ва 53 дан ортиқ савдо дўкон-ларини қайта таъмирлаш учун 500,0 миллион сўм миқдориди кредитлар аж-ратилиб, ушбу дўконларни озик-овқат ва халқ истеъ-мол моллари билан тўлди-риш мақсадида уларга ай-ланма маблағларни тўлди-риш учун 1,0 миллиард сўм миқдориди кредитлар аж-ратилди. Натижада йил да-вомида ушбу савдо дўкон-ларини томонидан банк кас-саларига 12,0 миллиард сўм миқдориди нақд пул топширилган бўлса, август ойининг 15 куниди ушбу кўрсаткич 1,3 миллиард сўмни ташкил қилди ҳамда янги очилган савдо дўкон-ларида 200,0 дан зиёд фу-қаролар иш билан таъмин-ланди. Жорий йилнинг етти ойи давомида вилоят бўйича жами 143,9 миллиард сўм нақд пул тушумига эриши-либ, ўтган йилнинг шу дав-рига нисбатан 130,0 фоиз-га ёки 50,0 миллиард сўмга кўпайишига эришилди. Мухтасар айтганда, бош-қарма жамоаси қишлоқ хўжалиги, қайта ишлаш корхоналари молиявий барқарорлигини ошириш, ҳамда ўз мижозларини ишончли ҳамкорига айла-ниши йўлида изчил фаоли-ят кўрсатмоқда.

Шоҳайдар МИРҲАБИВОВ,
Мирбахтиёр МИРҲАБИВОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбирлари.

